

4-1-2018

ISSUES OF DEVELOPMENT OF COOPERATION BASED ON FOREIGN EXPERIENCES FOR USING OF INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES

D. Mamasoatov

Tashkent State Economic University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Mamasoatov, D. (2018) "ISSUES OF DEVELOPMENT OF COOPERATION BASED ON FOREIGN EXPERIENCES FOR USING OF INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 2 , Article 51.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss2/51>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

**Мамасоатов Д. Р. – ТДИУ, катта
илмий ходим-изланвчи**

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР АСОСИДА ҲАМКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Мақолада ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланиш ва шу билан биргаликда ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда уларни ривожлантириш, жумладан Республикамизнинг Жанубий Корея Республикаси билан икки томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликни амалга ошириши ҳақида батафсил баён қилинган.

Таянч сўзлар: Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ , Электрон ҳукумат, интерактив хизмат, дастурий таъминот, технологик тенденция, АТ-саноати, АКТ воситалари, электроника, мултимедиа.

В статье подробно описывается использование опыта зарубежных стран в информационно-коммуникационных технологиях, а также инициирование и развитие двустороннего взаимовыгодного партнерства со странами Южной Кореи.

Ключевые слова: информационно-коммуникационные технологии, электронное правительство, интерактивный сервис, программное обеспечение, технологическая тенденция, ИТ-индустрия, средства информационно-коммуникационных технологий, мультимедиа.

The article thoroughly describes the use of the experience of foreign countries in information-communication technologies as well as initiating and developing bilateral mutually beneficial partnership with countries like South Korea.

Key words: information-communication technologies, electronic government, interactive service, program development, technological tendency, IT-industry, facilities of the information-communication technologies, electronics, multimedia.

Ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, жаҳон ахборот ҳамжамиятига кириш ҳамда жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида ” фармони имзоланди. [1]. Ушбу фармондан келиб чиққан ҳолда, хорижий давлатлар тажрибасидан


фойдаланиш ҳам катта самара беради. Бугунги кунда Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ҳамкорликнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари, тармоқда ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш масалалари йўлга қўйилмоқда. Икки мамлакатнинг алоқа, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, дастурий таъминот ва электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш каби қатор соҳаларга ихтисослашган компания ва концернлари, вазирлик ва идоралар, илмий-тадқиқот марказлари вакиллари, ишбилармонлар, олимлар, етакчи экспертлар ҳамда нуфузли таълим муассасалари педагог-ҳодимлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бу борада бир қатор лойиҳаларни ишлаб чиқиб амалда татбиқ этиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ва уни ривожлантиришда ўз самарасини бериши шубҳасиздир.

Ушбу масала Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти томонидан 2013 йилнинг 27 июнида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорида ҳам ўз ифодасини топди. Мазкур қарорга мувофиқ, 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини ривожлантириш дастури тасдиқланди[2].

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳалар қатори ахборот технологиялари соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хенинг 2014 йил июнда Ўзбекистон Республикасига ва Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислон Каримовнинг 2015 йил майда Корея Республикасига давлат ташрифлари ушбу соҳадаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Ислон Абдуғанивич Каримовнинг Корея Республикасига мазкур давлат ташрифи давомида кўплаб соҳалар қатори ахборот-коммуникация технологиялари йўналишидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга доир ҳужжатлар қабул қилинди. Бугунги кунда жаҳонда ялпи ички маҳсулотнинг тахминан 5,5 фоизи ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига тўғри келмоқда. Экспертлар 2020 йилда бу кўрсаткич 9 фоиздан ошишини таъкидламоқда. Айни пайтда Корея Республикасининг ялпи ички маҳсулотида ахборот-коммуникация технологияларининг улуши 11,8 фоиздан зиёд, Швецияда 7 фоизни, Америка Қўшма Штатларида 6,8 фоизни ташкил этади. Корея Республикаси ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида дунёда етакчи мамлакатлардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳам бу соҳа ривожига

алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури асосида изчил ишлар амалга оширилмоқда, барча жабҳаларга замонавий ахборот технологиялари кенг жорий қилинмоқда. Бугунги кунда ахборот-коммуникация технологияларининг асосий хусусиятларини ҳам билиб олиш муҳим аҳамиятга эга ва у қуйидагилардан иборат(1-расм).



1-расм. Ахборот-коммуникация технологияларининг асосий хусусиятлари.

Манба: Интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан тўзилди

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов айтганларидек “Бугунги шароитида, Интернет ва электроника даврида иқтисодиёт тармоқларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, «Электрон ҳукумат» фаолиятини янада ривожлантириш устивор аҳамиятга эгадир” [3].

Бу жараёнда коммуникация тармоқлари техник ва технологик қайта жиҳозланиб, интерактив хизмат кўрсатиш сифати ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан Корея Республикаси Фан, ахборот-коммуникация технологиялари ва келажакни режалаштириш вазирлиги ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жанубий корейлик мутахассислар юртимизда “электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга кўмаклашмоқда. Тошкент шаҳрида Инха университети филиалининг ташкил этилиши бу борадаги ҳамкорлик кўлами ва истикболининг ёрқин ифодаси бўлди. Мазкур олий ўқув юртида талабалар дастурий таъминот маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ахборот тизимлари ва компьютер тармоқларини бошқариш бўйича халқаро стандартлар даражасида таълим олмақда. Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузурида “Электрон ҳукумат” ўқув маркази, Ўзбекистон –Жанубий Корея ахборот технологиялари маркази фаолият


кўрсатмоқда. 2012 йилнинг октябрида ахборотлаштириш соҳасида Ўзбекистон – Жанубий Корея кенгаши ўз фаолиятини бошлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонуни давлат органлари фаолиятига АКТни татбиқ этиш ва электрон ҳукумат тизимини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда [4]. Соҳада қатор дастурлар ва лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали юридик ва жисмоний шахсларга кўплаб хизматлар кўрсатилаётир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди [5]. Унга кўра:

“Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш белгилаб берилди.

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида дастурий маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ташкилотларнинг ҳам ўрни бекиёсдир ва улар бу борада фаол ҳаракат қилмоқдалар(2-расм). Уларнинг сони йилдан йилга ортиб бормоқда бу тез орада ўзининг самарасини бериши шубҳасиздир.



Манба: Ахборот технологиялар ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги маълумотлари

2-расм. Дастурий маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар сони

Телекоммуникация технологиялари, тармоқ инфратузилмасини ривожлантириш дастурида кенг полосали технологиялар ёрдамида симли ва симсиз

алоқани, маълумотлар узатиш ҳамда овозли трафик коммутация марказларини янада ривожлантириш, магистрал телекоммуникация тармоқларини таъмирлаш ва кенгайтириш, мултимедиа хизматларини кўрсатиш учун зарур инфратузилмани яратиш вазифалари белгилаб олинган.

Мисол учун, 2020 йигача кенг полосали оптик алоқа тармоқларини ривожлантириш ва кенгайтириш, ундан сўнг мамлакатнинг барча ҳудудларида EVDO, 3G, 4G LTE база станцияларини ўрнатиш ишларини олиб бориш режалаштирилган. Корпоратив соҳалар учун мултимедиа хизматларини кўрсатиш студияларини ишга тушириш, ахборот-маълумотнома марказлари, маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш, кешлаш марказлари фаолиятини такомиллаштириш кўзда тутилган [6].

Корея Республикаси ахборот технологиялари саноатини рағбатлантириш миллий агентлиги президенти Юн Жонг Локни таъкидлашича: Ўзбекистонда юқори технологиялар соҳасининг давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани соҳани янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратмоқда, Мамлакатингизда эркин ва очиқ дастурий таъминотдан фойдаланишни изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор. Ўзбекистонда очиқ дастурий таъминотни изчил жорий этиш, технологик тенденцияларни янада ривожлантириш, янги бизнес ғояларини яратишга хизмат қилади. Мамлакатимизда бу борада форумлар ташкил қилиниб Жанубий корейлик мутахассисларга мамлакатимизда АКТ соҳасини ривожлантириш, бу йўналишда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотларни янада жадаллаштириш борасида келишувларга эришмоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва жамият ҳаётига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, АТ-саноати стратегиясини янада такомиллаштириш, технологиялар инфратузилмаларини ривожлантириш, соҳада кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш борасида олиб борилаётган ишларни янада ривожлантириш зарурдир. Дастурий таъминот маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва экспорт қилиш, бу борада Жанубий Кореянинг илғор тажрибасини ўрганишга алоҳида аҳамият қаратиш керак. Форумлар ташкил қилиб, унинг иштирокчилари орқали эркин ва очиқ дастурий таъминотни жорий этиш ва жаҳон тенденциялари, бизнес вакиллари билан олий ўқув юртлари ўртасида юқори малакали АТ-мутахассисларини тайёрлаш борасидаги ҳамкорлик, АКТни ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари, мазкур тармоқнинг иқтисодиётни ривожлантиришда тутган ўрни каби масалалар юзасидан фикр алмашиш зарур.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея республикалари ўртасидаги ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, тармоқда ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, кадрлар тайёрлаш

ва мутахассислар малакасини ошириш масалаларини амалга ошириш долзарб аҳамиятга эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида” фармони

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сонли “Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Қарори.

3. Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий–иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. 2016 йил 15 январ.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 9 декабрдаги “Электрон ҳукумат тўғрисида” ЎРҚ-395-сонли Қарори

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” фармони Тошкент шаҳри, 2017 йил 7 февраль.

6. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги маълумотлари www.mitc.uz